

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ ФОЗИЛ РАШИДОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ ТИЗМА ВА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА ГЕНЕТИК-
СТАТИСТИК УСЛУБЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on
agricultural sciences**

Абдиев Фозил Рашидович

Вузанинг янги тизма ва навларини яратишда генетик-статистик
услубларни қўллаш 5

Абдиев Фозил Рашидович

Использование генетико-статистических методов в создании новых
линий и сортов хлопчатника 27

Abdiev Fozil Rashidovich

Use of genetics-statistical methods in creation of new lines and varieties of a
cotton 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ ФОЗИЛ РАШИДОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ ТИЗМА ВА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА ГЕНЕТИК-
СТАТИСТИК УСЛУБЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

06.01.05 – Селекция ва уругчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАИЛЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Qx53 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сайдалиев Хакимжон,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Паримонов Абдужалил Абдусаматович,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим

Ибрагимов Паридун Шукурович,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Бобоев Сайфулла Гофурович,
биология фанлари доктори, катта илмий ходим


Етакчи ташкилот:

Геномика ва биоинформатика маркази

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 - рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «19» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535948 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «06» 12 да тарқатилди.
(2018 йил «3» 12 даги 394 рақамли реестр баённомаси)



Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д. академик

Я.Х.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н. доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё пахтачилигида 2018 йилги пахта экиладиган майдон 11 фоизга ошган ва умумий пахта майдони 32,5 миллион гектарни ташкил этган. Глобал пахта толасини ишлатиш 2018 йилда 3 фоиз (25,2 миллион тонна)га ўсиши кутилмоқда¹. Пахта етиштирувчи мамлакатларда ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишлари жараёнини жадаллаштириш, уни самарадорлигини ошириш ҳамда мавжуд усулларни янада такомиллаштириш асосида замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган навларни яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Дунё ғўза селекциясида янги навларни яратишда, ғўза генофондидаги мавжуд ҳар хил намуналарнинг генетик имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда генетик-статистик услубларни қўллаш натижасида қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга бўлган кўплаб ғўза навлари яратилмоқда. Жумладан, АҚШ, Ҳиндистон, Миср, Исроил, Покистон, Хитой давлатларида ғўза селекцияси соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ёзанинг янги тизма ва навлари селекцияси борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Дурагай ашёларнинг селекцион тизма ва навлар даражасига етказишнинг селекцион-генетик услублари ишлаб чиқилган. Ушбу услублардан бири мақсадли танлов ҳисобланади. Лекин бу ҳолда фақатгина фенотипик барқарорлашувига эришилади. Бунда ашёларнинг кўпгина цито-генетик бузилиши, яъни бир хилликка эга бўлмаган тизма ва навларни келтириб чиқаради.

Республикамизда ғўза селекциясида мавжуд намуналаридан кенг фойдаланган ҳолда юқори авлод дурагайларида генетик-статистик услубларни қўллашни аҳамиятини кенг таҳлил қилиш асосида генетик бир хилликни тасдиқловчи гибридологик тест-таҳлиллар билан бойитиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёзанинг маданий тур шакллари билан ярим ёввойи, маданий тропик шаклларини чаতিштириш асосида олинган юқори авлод дурагайлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» давлат дастурида «...касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иклим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотлар ишларини кенгайтириш»² долзарб аҳамият касб этиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2016 йил 1-февралдаги 328-сон «Ўза навларини

¹ <http://www.ICAC.GlobalCottonProductiontoIncreasein2017/18>.

² Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бўлими

жойлаштириш ва пахта хосили етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида» қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 сентябрдаги 328-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг уруғчилик соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасида турли генетик-статистик услублардан фойдаланган ҳолда генетик жиҳатдан бир хил тизма ва навларни яратиш ҳамда уларнинг бирламчи оригинал уруғларини олиш йўналишида илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Америка Қўшма Штатлари Қишлоқ хўжалик Департаменти, Colorado State University, University of Florida, Ohio State University (АҚШ), Australian Cotton Research Institute (Австралия), University of Kassel (Германия), Zhejiang University (Хитой), Indian Agricultural University, Panjab Agricultural University (Ҳиндистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ғўза селекциясида географик келиб чиқиши жиҳатидан узок бўлган туричи узок шакллари ўзаро дурагайлаш натижасида қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган тизма ва навларни яратишга оид дунёда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: селекция жараёнида ғўзанинг ярим ёввойи ва маданий тропик намуналаридан фойдаланишда биотик ва абиотик омилларнинг таъсири аниқланган (Texas A&M University, Америка Қўшма Штатлари Қишлоқ хўжалик Департаменти); ташқи муҳитнинг айрим экстремал омилларига чидамли бўлган ғўза навлари яратилган (Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization); дурагайлаш натижасида олинган ғўзанинг тезпишар, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навлар яратилган (Agricultural Research for Development, Institute for Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences).

Бугунги кунда дунёда ғўзанинг географик келиб чиқиши жиҳатидан узок бўлган туричи узок шакллари тадбиқ этиш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: генетик потенциални синаш ва улардан экстремал шароитларга чидамли, комплекс қимматли хўжалик белгиларга эга тизма ва навларни яратиш; генетик-статистик услубларини қўллашни такомиллаштириш; генетик бир хиллиги

юқори бўлган нав ва тизмаларни яратиш; тола сифати I-II типга мансуб, тезпишар, тола чикими юқори, фузариоз вилт касаллигига бардошли ингичка толали ҳамда тола сифати IV -типга мансуб бўлган тола чикими 40% дан юқори бўлган ўрта толали ғўза навларини яратиш ва амалиётга таъбиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг тетраплоид *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб янги тизма ва навларини яратиш услублари жуда кўп маҳаллий (Автономов, Абдуллаев, Ибрагимов, Эгамбердиев, Иксанов, Намазов, Ризаева, Ким, Амантурдиев, Алихаджаева, Усманов) ва хорижий (Thomas, Reed, Saha) тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар олиб борилган (инбридинг, узоқ муддатли навбатли систематик танловлар) ва бу услублар ғўзанинг белгиларини стабиллашувига олиб келади.

Лекин бу ҳолда фақатгина фенотипик бир хилликка эришилади. Цитогенетик тадқиқотларда кўрсатилишича, ҳаттоки маданий ғўза навлари ўзларида цитогенетик гетерогенлиликни сақлайди. Ғўзанинг маданий тур шакллари билан ярим ёввойи, маданий тропик шаклларини частиштириш асосида олинган юқори авлод дурагайларни батафсил генетик-статистик усуллари таҳлили ўтказилмаган ҳамда тизма ва навлар селекция ашёси сифатида таъбиқ этилмаган. Яқка танловлар ва генетик-статистик усулларни комплекс қўллаш асосида генетик бир хил тизма ва навлар яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ишлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-074 «Селекция жараёнларини тезлаштириш технологияси (Фитотрон) SSD услуги ва янги гермплазма асосида йирик кўсақли, юқори тола чикими эга бўлган ингичка толали ғўза дурагай донорларини яратиш» (2006-2008 йй.); ҚХА-8-002 «Ғўзанинг ингичка толали *G.barbadense* L. турларига мансуб, биотик ва абиотик омилларга бардошли тезпишар, юқори тола чикими эга, серҳосил, тола сифати I-типларга хос истикболли тизмаларни яратиш ва уларни давлат нав синаш комиссиясига топшириш» (2012-2014 йй.); Тошкент давлат аграр университетининг ҚХАЁ-8-009 «Генетик назорат услуги асосида ғўзанинг генетик бир хил селекцион тизмалар яратиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2015 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг географик келиб чиқиши узоқ бўлган ёввойи намуналари иштирокида олинган юқори авлод дурагайлардан йирик кўсақли, тола чикими юқори бўлган ашёларни ажратиш ва генетик-статистик усуллари қўллашни аҳамиятини таҳлил қилиш асосида генетик бир хиллиги юқори бўлган нав ва тизмаларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

Ғ8В-Ғ10В беккросс дурагай популяцияси ўсимликлари ва бу бўғинлардан ажратилган йирик кўсақли ўсимликларда морфоҳўжалик белгиларнинг

Ўзгарувчанлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

юқори авлод дурагай популяцияси ўсимликлари ва бу бўғинлардан ажратилган йирик кўсақли ўсимликларда қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлик нисбатларини ва корреляция коэффицентларини ўрганиш;

ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазнини таркибий қисми бўлган белгиларнинг (лўппақлар сони, вазни, лўппақдаги чигитлар сони ва вазни) ўзгарувчанлигини ҳамда улар орасидаги корреляцияни аниқлаш ва бир туп ўсимликда ҳосил бўлган турли чанокли (3-4-5) кўсақларни ҳосил шохларда тақсимланишини ўрганиш;

T-93 тизмасини қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, ушбу тизманинг талабга жавоб берадиган оилаларни ажратиш ва уларни ўзаро диаллел схема бўйича чапиштириш;

оилаларо чапиштириб олинган F₁-F₂ дурагай комбинацияларда генетик-статистик услубларни қўллаш асосида морфологик ва қимматли хўжалик белгиларини таҳлил қилиш;

ўтказилган гибридологик таҳлиллар асосида ижобий кўрсаткичларга эга бўлган оилаларни чигитларини жамлаб навни асосини ташкил этиш;

конкурс нав синовида наводлиги ва қимматли-хўжалик белги кўрсаткичлари андоза навлардан устун бўлган тизмаларни Давлат нав синовининг грунт нав назоратига тақдим этиш;

яратилган ғўзанинг янги навини республиканинг турли тупроқ-иклим шароитида синаш.

Тадқиқотнинг объекти ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб, ёввойи 010972 намунасини T-817 тизмаси билан ўзаро чапиштиришдан олинган юқори авлод (F₈B-F₁₀B) беккросс дурагай популяцияси ўсимликларидан ва ўрта толали ғўзанинг маҳаллий ва хорижий нав ҳамда намуналарни мураккаб дурагайлашдан олинган (F₁₃ [(F₁ B₁ C-5619) x (F₁ C-5619 x 397503)] x T-06) юқори авлод беккросс дурагай популяцияси ўсимликларидан ажратиб олинган селекция Т-93 тизмалардан фойдаланилган. Ўтказилган тажрибаларда андоза нав сифатида ингичка толали ғўзанинг Термиз-31, Сурхон-9 ва ўрта толали ғўзанинг С-6524 нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб, ёввойи 010972 намунасини T-817 тизмаси билан ўзаро чапиштиришдан олинган дурагай популяцияси ўсимликларидан ва ўрта толали ғўзани T-93 тизмасининг оилаларида генетик-статистик усулларни комплекс қўллаш асосида дурагай комбинацияларининг қимматли хўжалик белги кўрсаткичларини ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланишини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишлар ЎзПТИДа қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича олиб борилди. Барча амалий тадқиқот натижалари, белгиларнинг рақамли кўрсаткичлари, вариацион-статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов услуги бўйича ишловдан ўтказилди. Доминантлик даражаси G.M.Beil ва R.E.Atkins ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ҳисобланди. Ирсийланиш

даражаси А.Allard ишларида келтирилган формуласи бўйича таҳлил қилинди. Белгиларнинг умумий ва махсус комбинатив қобилиятлари В.Griffing услубида баҳоланди. Толанинг сифат кўрсаткичлари OzDSt. 604-2001 андозасига асосан, замонавий HVI дастгоҳида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўзанинг географик келиб чиқиши узоқ бўлган йирик кўсақли, юқори тола чикимига эга намуналарни дурагайлаш асосида олинган юқори авлод дурагай популяциясида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ҳамда улар орасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланган;

тола чикими билан тола узунлиги ва 1000 дона чигит вазни орасидаги салбий боғланишларни танловлар натижасида ижобий томонга ўзгартириш мумкинлиги исботланган;

ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазини битта лўппакдаги пахта вазни ва лўппакдаги чигитлар сони билан, ўзаро боғлиқлиги, кўсақларнинг чаноқлар сони, ҳосил шохларини жойлашиш баланглигига боғлиқлиги исботланган;

T-93 тизмасини оилаларини диаллел схема бўйича чапиштириб, қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш асосида ушбу тизмада селекцион аҳамиятга эга бўлган оилалар борлиги аниқланган;

ижобий натижаларни кўрсатган оилаларни чигитларини жамланганда, юқори қимматли хўжалик белгиларига эга ва бир хиллиги юқори бўлган тизмаларни яратиш мумкинлиги аниқланган;

тадқиқотлар асосида ўрта толали ғўзанинг ТошДАУ-100 ва СП-7702 навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб, ёввойи 010972 намунасини Т-817 тизмаси билан ўзаро чапиштиришдан олинган юқори авлод (F₂B-F₁₀B) беккросс дурагай популяцияси ўсимликларида ва ўрта толали ғўзанинг маҳаллий ҳамда ҳорижий нав намуналарни мураккаб дурагайлашдан олинган юқори авлод ўсимликларида қимматли-хўжалик белгилари, хусусан йирик кўсақли, тола чикими ва сифати юқори тизмалар яратилган;

генетик-статистик усуллар ёрдамида олиб борилган таҳлиллар ва самарали танловлар яратилган тизмалар ва навларда тезпишарлик, юқори тола сифати, ҳосилдорлик ва бошқа қимматли хўжалик белгиларининг уйғунлаштириш имконини берган;

янги яратилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган тизма ва навлар дастлабки синов жараёнларида юқори ҳосилдорлиги жиҳатидан ижобий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Олиб борилган кўп йиллик дала тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, бошланғич маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли услубларидан фойдаланганлик ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ва

маҳаллий тажрибалар маълумотлари билан таққосланганлиги ҳамда олинган конуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти генетик-статистик усуллардан кенг фойдаланган ҳолда таҳлиллар ўтказилиб, ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб, йирик кўсақли ва тола чиқими юқори бўлган ёввойи 010972 намунаси иштирокида олинган юқори авлод ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги, ўзаро боғлиқлиги, битта кўсақдаги пахта вазнини битта лўппакдаги пахта вазни ва лўппакдаги чигитлар сони билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш, Т-93 тизмасини оилаларини диаллел схема бўйича чапиштириб таҳлил қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тажрибалар асосида яратилган, қимматли хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичларга эга ғўзанинг янги селекцион тизмалар амалий селекция учун бошланғич ашё сифатида тавсия қилиниши; тизма таркибидаги оилаларни гибридологик таҳлил қилиш тавсия этилиши; юқори ҳосилдор ва қимматли хўжалик белгиларни ижобий мажмуасига эга бўлган ўрта толали ва ингичка толали ғўза навлари яратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзанинг янги тизма ва навларини яратишда генетик-статистик услубларни қўллашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

маҳаллий ва хорижий нав ҳамда намуналарни мураккаб дурагайлаш орқали ўрта толали ғўзанинг «СП-7702» нави 2017 йилдан Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси янги селекциясидаги нав синаш станцияси ва участкаларида синалмоқда (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2018 йил 15 январдаги 53-4/28-сон маълумотномаси). Натижада янгидан яратилган ўрта толали ғўзанинг «СП-7702» нави Эллиққалъа нав синаш станциясида гектаридан 38,0 центнер пахта ҳосили олинган ва тола чиқими 37,7 фоизга тенг бўлишига эришилган;

ўрта толали ғўзанинг «СП-7702» навини уруғлик чигитларини дастлабки кўпайтириш Хоразм вилояти Хонқа тумани «Салой Ёқубов» элита уруғчилик хўжалигининг 1 гектар майдонида элита ва 7,7 гектарда биринчи авлод уруғлари экилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 29 мартдаги 96-сон буйруғи). Бунинг натижасида ушбу навни Хоразм вилоятига районлаштириш учун уруғлик чигитлари кўпайтирилган;

ғўзанинг ўрта толали «ТошДАУ-100» нави яратилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 апрелдаги 01/20-29-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўрта толали ғўзанинг «ТошДАУ-100» навидан Қўрғонтепа нав синаш станциясида гектаридан 40,5 центнер пахта ҳосили олинган ва тола чиқими 37,6 фоизга тенг бўлишига эришилган;

янгидан яратилган «ТошДАУ-100» навининг уруғларини дастлабки кўпайтириш Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий тажриба станцияси элита хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 29 мартдаги 96-сон буйруғи). Натижада андоза «С-6524» навига нисбатан гектаридан 4,0 центнер кўшимча пахта ҳосили олинган, тола чиқими эса 2,8 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 3 халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, жумладан 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзанинг янги навларини яратишда қўлланиладиган генетик-статистик услублар бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хориж олимларининг ўзанинг янги навларини яратишда генетик-статистик услубларни ўрганиш ва амалий селекцияда фойдаланиш имкониятлари, ўзанинг тетраплоид турларининг умумий ва специфик қобилияти, ва ҳозирги вақтда тизимли чапиштиришда ҳар хил генетик-статистик услубларни қўллаш ёрдамида бошланғич шаклларнинг комбинацион хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотларнинг таҳлили, ўзада қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро корреляцияси бўйича, селекция ва уруғчиликка қўйилган талабларни бажаришда замонавий қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришда селекция назариясини ривожлантириш, шунингдек, селекция-уруғчилик амалиётида генетик методларни тадбиқ этиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш жойи ва услублари» деб

номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жойи, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти, ўтказиш услуги, тажрибаларда олиб борилган кузатувлар, ҳисоблашлар баён этилган. Мавжуд навлар ва намуналар ўз генетик потенциалини деярли йўқотганлиги боис, селекция жараёнига янги генотипларни киритиш зарурияти долзарб муаммо ҳисобланиши таъкидланган. Шу муносабат билан селекция ишларида жаҳон ғўза коллекцияси намуналари доимо бой қимматли хўжалик белгилари билан хизмат қилади. Ушбу ишга йирик кўсакли ва тола чиқими юқори бўлган *G. barbadense* L. турига мансуб 010972 намунаси ва ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб 397503 (*ssp. yucatanense*) намунасини қўллаш масалалари ёритиб берилган. Ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб 397503 намунаси маҳаллий нав ва тизмалар билан мураккаб дурагайлашдан олинган (F_{13} [(F_1 В₁ С-5619) x (F_1 С-5619 x 397503)] x Т-06) юқори авлод беккросс дурагай популяцияси ўсимликларидан ажратиб олинган селекцион ғўза тизмасидан (Т-93) фойдаланилганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «Ғўзанинг туричи узок шаклларини ўзаро частиштиришдан олинган дурагай популяцияларнинг ўсимликлариде генетик-статистик услублардан фойдаланилган ҳолда ўрганилган белгиларнинг таҳлили» деб номланган учинчи бобида ноёб белгиларини ўзида мужассамлаштирган ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб янги селекцион манбаларини яратиш йўлида дурагай ўсимликларининг морфохўжалик белгиларини наслдан-наслга ўтиш қонуниятларини, стабиллашувини генетик-статистик услублардан фойдаланилган ҳолда илмий-тадқиқот ишлари бўйича маълумотлар келтирилган.

F_1 В беккросс дурагай комбинациялари бир туп ўсимлигида ўртача 5,7-14,2 дона кўсак шакланган бўлса, ушбу кўрсаткич Т-817 тизмасида ўртача 8,5 донани ташкил этиб, фақат F_1 В♀(F_1 Т-748 x 010972) x ♂Т-817 беккросс дурагай комбинациясидан ўртача 2,8 дона кўп кўсак шакланганлиги, қолган барча беккросс дурагай комбинациялари Т-817 тизмасига нисбатан кўпроқ кўсак шакланганлиги маълум бўлди.

Битта кўсакдаги пахта вазни Т-817 тизмасида ўртача 2,4 г.ни ташкил этган бўлса, ушбу белги кўрсаткичи бўйича F_1 В беккросс дурагай комбинацияларида ўртача 3,6-4,6 г.ни ташкил этиб, Т-817 тизмасига нисбатан 1,2-2,2 г.га юқори эканлиги кузатилди.

F_1 В беккросс дурагай комбинацияларида тола чиқими ўртача 31,9-36,2 %ни ташкил этди. Ушбу белги кўрсаткичи Т-817 тизмасида ўртача 32,6 %ни ташкил этиб, бу белги кўрсаткичи бўйича ҳам F_1 В беккросс дурагай комбинацияларида бирмунча устунлик кузатилди.

Тола узунлиги бўйича F_1 В беккросс дурагай комбинацияларида ўртача 32,1-35,2 мм.ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Т-817 тизмасида ўртача 35,0 мм.ни ташкил этиб, F_1 В ♀(F_1 Сурхан-10 x 010972) x ♂Т-817 беккросс дурагай комбинациясидан камроқ бўлсада (0,2 мм.га), қолган барча F_1 В беккросс дурагай комбинациялари белги кўрсаткичларидан устунлиги маълум бўлди.

Битта кўсақдаги пахта вазни F_2B-F_7B ўсимликларида йиллар бўйича ўртача 3,7-4,1 г.ни ташкил этган бўлса, ушбу белги кўрсаткичи андоза Термиз-31 навида ўртача 2,8-3,1 г.га тенг эканлиги маълум бўлди. Бундан кўринади турибдики, ўрганилаётган F_2B-F_7B ўсимликларининг битта кўсақдаги пахта вазни андоза навга нисбатан бирмунча йириклиги (0,9-1,0 г) кузатилди. Бундан ташқари F_2B-F_7B ўсимликларининг битта кўсақдаги пахта вазини ўзгарувчанлик кўлами 2,2-7,1 г.гача бўлганлиги, ушбу дурагайлар орасидан битта кўсақдаги пахта вазни бўйича ижобий рекомбинант ўсимликларни ажратиш олиш имконияти кенглигидан далолат беради.

Тола узунлиги кўрсаткич бўйича F_2B-F_7B беккросс ўсимликларида ўртача 35,8-38,0 мм бўлганлиги қайд этилиб, андоза Термиз-31 навида нисбатан 0,5-1,9 мм.га узун бўлганлиги олиб борилган тадқиқотларимизда маълум бўлди.

« $F_8B-F_{10}B$ ўсимликлари ва бу бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларда тезпишарлиги белгисининг ўзгарувчанлиги» деб номланган учинчи бобининг учинчи бўлимида дисперсион таҳлиллар асосида келтирилган маълумотларда ўрганилаётган белги бўйича вариацион қаторларнинг жойлашуви шуни кўрсатдики, $F_8B-F_{10}B$ ўсимликларнинг вариацион қаторнинг чап синфи 100 кундан, ўнг синфи эса 135 кунгача бўлган ораликдан ўрин олиб, ўсимликларнинг асосий қисми вариацион қаторнинг ўрта синфларида, яъни 112-117 ва 118-123 кунлар оралигида жойлашганлигини кузатиш мумкин. Ушбу белги бўйича беккросс дурагай ўсимликларининг ўртача кўрсаткичи 115-118 кунни ташкил этгани ҳолда, андоза навга нисбатан 4-5 кунга кечпишарликни намоён этди. Шунингдек, белги бўйича ўзгарувчанлик коэффициентини ўзгарувчанлик даражаси 3,8-6,4 % бўлган оралик ҳолатни эгаллади. $F_8B-F_{10}B$ бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларнинг кўсақларини очилиш даври бўйича ҳам вариацион қаторлар келтирилган бўлиб, унда ўсимликларининг асосий қисми вариацион қаторнинг 118-123 кунгача бўлган чап синфларида жойлашганлигини ҳамда ўрганилган дурагай ўсимликларда белгининг ўртача кўрсаткичлари 117-124 кунгача бўлганлиги кузатилди. $F_8B-F_{10}B$ ўсимликларда ушбу белгининг гомеостатик кўрсаткичларига назар ташласак, юқори авлод дурагайларида белгининг барқарор эканлиги кузатилиб, кўрсаткичлар мос равишда 2180, 2614, 3584 ни ташкил этди. Бу ҳолат $F_8B-F_{10}B$ бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларда ҳам намоён бўлиб, кўрсаткичлар 2414, 3394, 4278ни ташкил этди. Яъни, ўсимликларда кўсақларнинг очилиши юқори авлодларга ўтган сари ўзгарувчанлик кўламлари ҳам қисқариб, ушбу белгининг барқарорлигидан далолат беради.

« $F_8B-F_{10}B$ ўсимликлари ва бу бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларда биринчи ҳосил шохи жойлашган бўғиннинг ўзгарувчанлиги» деб номланган учинчи бобининг тўртинчи бўлимида дисперсион таҳлиллар асосида олинган маълумотларда $F_{10}B$ ўсимликларида асосан 5-6 бўғиндан иборат вариацион қаторда жойлашган бўлса, F_8B-F_9B ўсимликларининг аксарияти 5-8 бўғин оралигидан ўрин олганлиги аниқланди. Белгининг гомеостатик

кўрсаткичлари. Ёсимликларни тезпишарлик кўрсаткичларига нисбатан бошқача манзара касб этди, яъни, дурагайларда белгининг кўрсаткичлар юқори авлодларга ўтган сари ушбу белгининг гомеостатик кўрсаткичи 8-авлоддаги кўрсаткичи 10-авлодга келиб сусайиб боришини (54,7, 23,4, 16,2) намоён этди. Демак, $F_8B-F_{10}B$ ёсимликларида биринчи ҳосил шохи жойлашган бўгин бўйича гомеостатик кўрсаткичи юқори авлодларда ҳам констант эмаслигидан далолат беради. Ушбу ҳолат $F_8B-F_{10}B$ йирик кўсакли ёсимликларда ҳам кузатилиб, кўрсаткичлар мос равишда 25,2, 26,5 ва 57,9 ни ташкил этди.

« $F_8B-F_{10}B$ ёсимликлари ва бу бўгинлардаги йирик кўсакли ёсимликларда ҳосил шохлари сони белгисининг ўзгарувчанлиги» деб номланган учинчи бобининг бешинчи бўлимида дисперсион таҳлиллар асосида олинган маълумотлар келтирилган бўлиб, $F_8B-F_{10}B$ ёсимликларида ўрганилаётган белгининг кўрсаткичи 16,3 донадан 28,5 донагача бўлди. Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, $F_{10}B$ ёсимликларида белги бўйича олинган натижаларнинг аввалги авлодларга нисбатан кескин ўсиш ҳолати кузатилди, яъни кўрсаткич F_8B-F_9B ёсимликларига нисбатан 12,2 ва 7,7 донага ошиб, белги бўйича вариацион қаторнинг 47-54 доналик синфларида ҳам бир қанча ёсимликларнинг ажралиб чиққанлиги намоён бўлди. Ўрганилган йирик кўсакли дурагайларнинг барча авлод ёсимликларида андоза нав ва дурагайларга нисбатан кўпроқ симподиал шохлар ҳосил бўлганлиги ҳамда ёсимликларнинг бирмунча баланд бўйли ва пояси мустаҳкам эканлиги кузатилди. Жумладан, $F_8B-F_{10}B$ йирик кўсакли ёсимликларнинг бош поясида ўртача 17,3-33,9 донагача ҳосил шохлари пайдо бўлиб, андоза навларга нисбатан кўрсаткич 1,8-4,2 донага ортиқлиги аниқланди. $F_9B-F_{10}B$ йирик кўсакли ёсимликларда белгининг ўртача кўрсаткичи 25,2-33,9 донани ташкил этган ҳолда, натижаларнинг F_8 ёсимликларига нисбатан 9,0-16,6 донага ошганлиги кузатилди. Тажриба маълумотларидан кўришиб турибдики, $F_8B-F_{10}B$ йирик кўсакли ёсимликлари белги бўйича вариацион қаторларнинг чап синфи 11-14 дона ва ўнг синфи эса 51-54 доналик чегарасида жойлашганлиги қайд этилди. Ушбу белгининг гомеостатик кўрсаткичлари ҳам ўзгарувчанлик коэффициентига мос равишда 91,6, 94,1, 128,9 ни ташкил этди. Олинган натижалардан кўришиб турибдики, ҳосил шохлари сони белгиси бўйича $F_{10}B$ ёсимликларда қолган авлодларга нисбатан сезиларли даражада барқарорлиги намоён бўлади. Айникса бу ҳолат $F_8B-F_{10}B$ йирик кўсакли ёсимликларда кучлироқ эканлиги (80,9; 89,4 ва 176,8) олиб борилган тадқиқотларда яққол кузатилди.

« $F_8B-F_{10}B$ ёсимликлари ва бу бўгинлардаги йирик кўсакли ёсимликларда бир туп ёсимликдаги кўсақлар сони белгисининг ўзгарувчанлиги» деб номланган учинчи бобининг олтинчи бўлимида дисперсион таҳлиллар асосида келтирилган маълумотларда F_8B ёсимликларда ўртача 16,1 дона кўсақ тўпланиб, ўзгарувчанлик даражаси 35,5 %ни ташкил этди. F_8B йирик кўсакли ёсимликларда белги бўйича ўртача кўрсаткич 14,2 донани ташкил этган ҳолда, ўзгарувчанлик даражаси 23,5 %га тенг бўлди. F_9B

Ўсимликларида кўсақлар сони бўйича ўзгарувчанлик 30,5 %ни ташкил этиб, ўртача 16,2 дона кўсақлар тўпланди. F_8V-F_9V ўсимликларининг кўсақлар сони кўрсаткичлари орасида катта фарқ кузатилмади ва авлодлар орасидаги фарқланиш 0,1 донага тенг бўлди. F_9 йирик кўсақли дурагайлارнинг бир туп ўсимлигида ўртача 18,8 дона кўсақ тўпланиб, андоза навга нисбатан 3,0 донага кам демакдир. Шунингдек, F_9V ўсимликлари ва йирик кўсақли ўсимликларининг асосий қисми белги бўйича вариацион қаторнинг 5-40 та кўсақдан иборат синфларидан ўрин олди. Ушбу белги бўйича $F_{10}V$ ўсимликлари ва шу бўғиндаги йирик кўсақли ўсимликларнинг асосий қисми белги бўйича ўзгарувчанлик қаторининг 17-40 донагача бўлган синфдан ўрин олганлиги кузатилди. $F_8V-F_{10}V$ ўсимликлари ва бу бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларда бир туп ўсимликда кўсақларни шаклланишини гомеостатик кўрсаткичларига назар ташласак, ушбу кўрсаткичлар ҳам авлодларга ўтган сари барқарорлашиб бориши намоён бўлди. Яъни тадқиқотларда иштирок этган $F_8V-F_{10}V$ ўсимликларининг гомеостатик кўрсаткичи 39,3, 53,6 ва 66,4ни ташкил этиб, юқорида келтирилган кўрсаткичлар сингари ушбу белги ҳам барқарорлашиб боришидан далолат беради.

« $F_8V-F_{10}V$ ўсимликлари ва бу бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни ва тола узунлиги белгисининг шаклланиши» деб номланган учинчи бобининг еттинчи бўлимида дисперсион таҳлиллар асосида $F_8V-F_{10}V$ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни ўртача 3,6- 4,6 г, ушбу авлодлардаги йирик кўсақли дурагай ўсимликларида эса бу белги кўрсаткичи ўртача 5,1-5,5 г.ни ташкил этди. Жумладан, йирик кўсақли дурагай ўсимликларда белги кўрсаткичининг дурагай ўсимликларга нисбатан ўртача 1,2 г, андоза навга нисбатан 2,0 г устунлиги кузатилди.

« $F_8V-F_{10}V$ ўсимликлари ва бу бўғинлардаги йирик кўсақли ўсимликларда 1000 дона чигит вазни ва тола чикими белгисининг шаклланиши» деб номланган учинчи бобнинг саккизинчи бўлимида дисперсион таҳлиллар асосида келтирилган маълумотларда ўрганилган беккросс дурагай ўсимликлар ва йирик кўсақли ўсимликларнинг авлодларида тола чикими белгиси кўрсаткичлари билан андоза нав кўрсаткичлари орасида сезиларли даражадаги фарқланиш кузатилмади. Жумладан, беккросс дурагай ўсимликларида тола чикими кўрсаткичлари ўртача 34,5-35,5 % оралигида бўлиб, юқори тола чикими (35,5 %) F_8V ўсимликларда кузатилди. Йирик кўсақли ўсимликларнинг тола чикими бўйича кўрсаткичлари ҳам дурагай ўсимлик авлодлари даражасида ҳамда қисман устунликни (0,4-0,7 % га) намоён этди. Йирик кўсақли беккросс дурагай ўсимликларнинг авлодларида белгининг ўртача кўрсаткичлари 34,9-36,1 %ни ташкил этди. F_8V ўсимликларида белгининг кўрсаткичи ўртача 38,8 мм, йирик кўсақли ўсимликларда эса ўртача 39,8 мм.ни ташкил қилди. Ўрганилаётган белги бўйича энг юқори F_9V ўсимликлари ва шу авлоддаги йирик кўсақли ўсимликларда кузатилиб, бу кўрсаткич ўртача 40,1-41,0 мм.га тенг бўлди. $F_{10}V$ ўсимликлари ва шу авлоддаги йирик кўсақли ўсимликларда F_9V авлод

Ўсимликка нисбатан тола узунлиги кўрсаткичларини бирмунча пасайиш кузатилиб, ўртадаги фаркланиш 0,8-1,7 мм.ни ташкил этди. Андоза Сурхон-9 навида тола индекси кўрсаткичлари ўртача 7,34-7,85 г оралиғида, F₈V-F₁₀V ўсимликларида эса ўртача 7,64-8,12 г.ни ташкил этди. Яъни, беккросс дурагай ўсимликларнинг белги бўйича кўрсаткичлари андоза навлардан бирмунча устунликни намоён қилди. Ўрганилган йирик кўсакли ўсимликларида белги бўйича ўртача 8,25-8,87 г қайд қилиниб, бу олинган натижа ҳам андоза навга ҳам беккросс дурагай ўсимликлар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигидан далолат беради. Йирик кўсакли беккросс дурагай ўсимликларда кузатилган ушбу ҳолатни 1000 дона чигит вазни белгисининг юқори бўлганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг «Юқори авлод дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқликлари» деб номланган тўртинчи бобида юқори авлод ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлик нисбатлари бўйича маълумотлар келтирилган. Йирик кўсакли ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 4,2-4,6 г.ни ташкил этган ҳолда, 8,7 % ўсимликларнинг микронейр кўрсаткичлари 4,0-4,2, 21,7 % ўсимликларда 4,3-4,5 ни, 56,5 % ўсимликларда 4,6-4,8, 4,3 % ва 8,7 % ўсимликларнинг толаси дағал бўлиб, кўрсаткичлар мос равишда 4,9-5,1 ва 5,2-5,4 га тенг бўлди. Толанинг микронейр кўрсаткичи дағал бўлган ўсимликларнинг энг кўп миқдори битта кўсақдаги пахта вазни 4,7-5,1 г бўлган синфларда учради. Жумладан, дурагайлارнинг 12,5 % ўсимлигида микронейр кўрсаткичи 4,9-5,1; 17,5 % ўсимликларда эса 5,2-5,4; 10 % ўсимликларда 5,5-5,7, 7,5 % ўсимликларда 5,8-6,0 ҳамда 5 % ўсимликларнинг микронейр кўрсаткичи 6,1-6,3ни ташкил этгани ҳолда, бу натижалар толанинг дағаллик даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Ўрганилган дурагай авлодда 10 % ўсимликларининг микронейр кўрсаткичлари 4,0-4,2; 20 % ўсимликларда 4,3-4,5, 17,5 % ўсимликларнинг микронейр кўрсаткичи 4,6-4,8 тенглиги аниқланди.

Битта кўсақдаги пахта вазни 5,2-5,6 г.ни ташкил этган синфда толанинг микронейр кўрсаткичи 4,0-6,0 г бўлган ўсимликлар учради. Пахта вазни 5,7 г.дан юқори бўлган ўсимликларнинг толаси дағал бўлди, яъни уларнинг микронейр кўрсаткичи мос равишда 4,9 дан ортиқ эканлиги кузатилди. Ўрганилган йирик кўсакли дурагай ўсимликларнинг 25,3 % ини микронейр кўрсаткичи 4,0-4,5 га тенглиги маълум бўлди.

Тажрибаларимизда битта кўсақдаги пахта вазнини толанинг солиштирма узилиш кучи (г.к/текс) билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилди. Беккросс дурагай ўсимликларда толанинг солиштирма узилиш кучи 31,5-53,4 г.к/текс оралиғида бўлган синфлардан ўрин олди. Жумладан, толанинг солиштирма узилиш кучи кўрсаткичи 25,3 % ўсимликларда 35,5-39,4 г.к/текс, 34,7 % ўсимликларда 39,5-43,4 г.к/текс, 24,2 % ўсимликларда 43,5-47,4 г.к/текс ва 5,3 % ўсимликларда эса 47,5-53,4 г.к/текс.ни ташкил этди. Битта кўсақдаги пахта вазни 4,2-4,6 г бўлган синфдаги ўсимликларнинг асосий (90 %) қисмида ўрганилаётган белгининг кўрсаткичи 39,5-47,4 г.к/текс.га тенг

бўлди. Шунингдек, толани солиштирма узилиш кучининг энг юқори кўрсаткичи (51,5-53,4 г.к./текс) айнан ушбу кўсак вазнига эга бўлган ўсимликлар жойлашган синфларда кўплаб учради.

Битта кўсакдаги пахта вазни 4,7-6,1 г.ни ташкил этган ўсимликларнинг синфларида толани солиштирма узилиш кучи бўйича нисбатан кенгрок ажралиш намоеън бўлиб, мос равишда кўрсаткичлар 31,5 г.к./текс.дан 53,4г.к./текс.гача бўлганлиги аниқланди.


Битта кўсакдаги пахта вазни бўйича 5-6 синфларга (6,2-7,1 г) тақсимланган ўсимликлар толасининг солиштирма узилиш кучи 35,5-51,4 г.к./текс бўлгани ҳолда, ўсимликларнинг энг кўп миқдорида белги кўрсаткичи бўйича ўртача 37,0 г.к/ текс.ни ташкил этди.

Тажрибамизда иштирок этган дурагай ўсимлик ва йирик кўсакли ўсимликларда битта кўсакдаги пахта вазнининг тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни ва тола индекси белгилари билан боғлиқлиги турлича бўлиб, корреляция коэффицентлари $r = -0,64$ дан $0,25$ гача бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, F_9B ўсимлиги ва бу авлоддаги йирик кўсакли ўсимликларда битта кўсакдаги пахта вазни ва тола чиқими бўйича корреляция коэффицентлари $r = 0,1$ дан $0,04$ гача (кучсиз ижобий), F_{10B} ўсимликларида $r = -0,64$ (кучли салбий) ва шу авлоддаги йирик кўсакли ўсимликларда эса кўрсаткич $r = -0,02$ (кучсиз салбий)ни ташкил этди. Бу эса, F_{10B} йирик кўсакли ўсимликлар орасида битта кўсакдаги пахта вазни ва тола чиқими бўйича аҳамияти юқори бўлган ўсимликларни танлаб олиш имконияти кенглигидан далолат беради.

Ўрганилган беккросс дурагай ўсимликлари ва йирик кўсакли дурагай ўсимликларда битта кўсакдаги пахта вазни билан тола узунлиги белгилари ўртасида кучсиз салбий боғлиқлик кузатилди. Фақат F_8B ўсимликлардагина ушбу белгилар орасида кучсиз ижобий боғлиқлиги қайд этилиб, корреляция коэффицентлари $r = 0,02$ га тенг бўлди. Демак, ушбу белгилар орасидаги боғлиқликлардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги авлод беккросс дурагай ўсимликлардан ҳам йирик кўсакли, юқори тола узунлигига эга бўлган ўсимликларни ажратиб олиш қийинчиликлар туғдирмайди. Шунингдек, битта кўсакдаги пахта вазнининг 1000 дона чигит вазни ҳамда тола индекси белгилари билан ҳам кучсиз боғланганлиги кузатилиб, корреляция коэффицентлари кучсиз салбий ($r = -0,02$) ва кучсиз ижобий ($r = 0,25$) бўлди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, белгилар орасидаги кучсиз салбий боғлиқлик фақатгина F_9B ўсимликлари ва шу авлоддаги йирик кўсакли ўсимликларда кузатилди.

Тажриба натижалари асосида F_8B-F_{10B} беккросс дурагай популяцияси ўсимликлари ва бу авлодлардаги йирик кўсакли ўсимликларда тола чиқими билан 1000 дона чигит вазни белгилари орасида кучсиз ижобийдан ($r = 0,15$) кучсиз салбийгача ($r = -0,02$) боғланишлар борлиги кузатилди. Фақат, F_{10B} беккросс дурагай популяцияси ўсимликларида ўртача салбий корреляция ($r = -0,64$) қайд этилди: Бу эса, йирик кўсакли ўсимликлар орасидан сертола ҳамда юқори 1000 дона чигит вазнига эга бўлган рекомбинантларни ажратиб



олиш мумкинлигини кўрсатади.

Тола индексининг 1000 дона чигит вазни ва тола узунлиги белгилари ўртасида корреляция коэффициентлари кучсиз салбийдан кучли ижобийгача бўлган ораликдан ўрин олиб, натижалар $r = -0,06$ ва $r = 0,84$ бўлди.


Диссертациянинг «Юқори авлод беккросс дурагай ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни ва унинг таркибий қисми бўлган белгиларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда улар орасидаги корреляция» деб номланган тўртинчи бобининг тўртинчи бўлимида ғўзанинг ингичка толали навларнинг потенциал ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва битта кўсақдаги пахта вазни бўйича маълумотлар келтирилган. Олиб борилган тажрибаларимизда бош поянинг ҳосил шохларида турли хил чаноклар сонига эга бўлган кўсақларнинг жойлашуви ва уларнинг нисбатлари бўйича таҳлиллар ўтказилди (1-3-расмларга қаранг).

Тажрибанинг илк босқичларида бир туп ўсимликда мавжуд бўлган барча ҳосил шохлари жойлашиш ўрнига қараб ҳар 4тадан ҳосил шохига ажратишиб, 5 синфга тақсимланди (1-4; 5-8; 9-12; 13-16; 17-20 ҳосил шохлари).


Тажриба вариантларига боғлиқ бўлмаган ҳолда 4-5 чанокли кўсақлар 9-12 ҳосил шохларида кўплаб учраши кузатилди. Ўсимликлардаги 3 чанокли кўсақлар сонининг шаклланиши айнан 1-4 ҳосил шохларида аниқланди. Жумладан, олинган икки йиллик маълумотларга кўра, 1-вариантда уч чанокли кўсақлар миқдори 33,9-46,4 %, 2-вариантда 47,4-56,3 %ни, 3-вариантда эса 60,0-69,4 % ни ташкил этди.

Ўсимликларнинг уч чанокли кўсақлари экилган 1-вариантда юқори ҳосил шохларига (5-20 ҳосил шохлари) ўтган сари уч чанокли кўсақлар сонининг камайиш ҳоллари қайд қилинди. Жумладан, 1-4 ҳосил шохларидаги 3 чанокли кўсақлар миқдорига нисбатан 17-20 ҳосил шохларидаги 3 чанокли кўсақлар миқдори (7,1-7,4 %) 5-6 барабарга камайганлиги кузатилди. Ўсимлик бош поясининг 9-12 ҳосил шохларида 4 ва 5 чанокли кўсақлар миқдорининг кескин ошиши кузатилиб, кўрсаткичлар мос равишда 26,8-30,6% ва 37,3-68,8 % ни ташкил этди. Бир туп ўсимликдаги 4 ва 5 чанокли кўсақларнинг ушбу ўртача миқдори ўрганилган вариантлар бўйича энг юқори натижаларга эга бўлди.


Илмий тадқиқотларда 4 чанокли кўсақлар экилган 2-вариантнинг 1-4 ҳосил шохларида 4-5 чанокли кўсақларга (14,4-20,9 % ва 4,2-5,6 %) нисбатан 3 чанокли кўсақлар миқдорини (47,4-56,3 %) кескин ошиши кузатилди. Бироқ, ўсимлик бош поясининг юқори бўғинларидаги ҳосил шохларида 3 чанокли кўсақлар нисбатининг камайиб бориши қайд қилинди. Шунингдек, 4 чанокли кўсақларнинг энг кўп миқдори 9-12 ҳосил шохларида, 5 чанокли кўсақлар эса 13-16 ва 17-20 ҳосил шохларида кўп миқдорда тўпланганлиги аниқланди. Жумладан, бош поянинг 13-16 ҳосил шохларида 5 чанокли кўсақларнинг миқдори яққол ошганлиги намоён бўлиб, кўрсаткичнинг фоиздаги нисбати 24,5-30,6 %га тенг эканлиги кузатилди.



1-расм. Уч чанокли кўсаклар экилганда 1-вариантда турли чанокли кўсакларнинг ажралиш нисбатлари



2-расм. Тўрт чанокли кўсаклар экилганда 2-вариантда турли чанокли кўсакларнинг ажралиш нисбатлари



3-расм. Беш чанокли кўсаклар экилганда 3-вариантда турли чанокли кўсакларнинг ажралиш нисбатлари


Юқоридагиларга қараганда, умуман бошқача манзара 5 чаноқли кўсақлар экилган 3-вариантда қайд этилди. Бунда, 3 чаноқли кўсақлар (60,0-69,4 %) асосан ўсимликнинг 1-4 ҳосил шохларидан ўрин олиб, 4 чаноқли кўсақларнинг энг кўп миқдори (25,9-30,9 %) 9-12 ҳосил шохларида жойлашди. Шунингдек, ўсимлик бош поясини 5-8 ҳосил шохларида 5 чаноқли кўсақларнинг энг кўп қисми жойлашди. Шунини ўз навбатида келтириб ўтиш жоизки, 17-20 ҳосил шохларида шаклланган 3, 4 ва 5 чаноқли кўсақларнинг нисбатлари бўйича сезиларли даражадаги фарқланиш кузатилмади, ҳамда олинган натижалар бир-бирига яқин бўлди.

Диссертациянинг «Ўрта тоғли ўзининг Т-93 тизмаси оилаларини ва уларни ўзаро диаллел усулда чапиштирилиб олинган дурагай комбинацияларда қимматли хўжалик белгиларининг гибридологик таҳлили» деб номланган бешинчи бобида илмий тадқиқотларда ЎзФСҲИТИ (ҳозирги ПСУЕАИТИ) коллекциясидан олинган *ssp. yucatanense* турига мансуб каталог рақами 397503 намунасини, маҳаллий ўза навлари билан чапиштириб олинган (F_{13} [(F_1 В₁ С-5619) x (F_1 С-5619 x 397503)] x Т-06) юқори авлод беккросс дурагай популяцияси ўсимликларидан ажратиб олинган селекцион Т-93 ўза тизмасини бештадан оилалари ажратилиб, уларни ўзаро диаллел усулда чапиштирилиб, олинган дурагай комбинацияларда қимматли хўжалик белгиларининг гибридологик таҳлили келтирилган. Ўрганилган дурагай комбинацияларнинг аксариятида ҳосил шохлар сонининг ўртача кўрсаткичлари О-1 ва О-3 оилаларга нисбатан бир мунча паст бўлгани кузатилди. Ушбу белгининг доминантлик кўрсаткичи аксарият дурагай комбинацияларда салбий ва ижобий гетерозис ҳолати аниқланди. Ҳосил шохлар сонининг доминантлик ҳолати дурагай комбинацияларга боғланган бўлиб, реципрок таъсири намоён бўлди. Гомеостатик кўрсаткичлари бўйича реципрок таъсири сезиларли даражада бўмаганлиги аниқланди. Энг юқори УҚҚ кўрсаткичи О-3 оилада намоён бўлиб, О-2 ва О-4 оилаларнинг УҚҚ кўрсаткичлари паст салбий даражада бўлганлиги аниқланди. МКҚ ва УҚҚ вариансаларни солиштирганда $Gsi^2 > Ggi^2$ ҳолати намоён бўлди, демак ушбу белгининг намоён бўлишида генларни ноаддитив таъсири юқори бўлганлигидан далолат беради.

